II. САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2021 йилнинг январь-март ойиларида вилоят корхоналари томонидан 6591,7 млрд. сўмлик саноат махсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан саноат ишлаб чиқаришининг физик хажм индекси* 79,3 % ни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқариши таркибида энг катта улуш ишлаб чикарадиган саноат хиссасига тўғри келиб, унинг жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши (97,4 %)ни ташкил этди.



Б - Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш,

С - Ишлаб чикарадиган саноат

Д - Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш,

Е - Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш.

Асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш, ФҲИ* % да



Жами саноат ишлаб чиқариш физик ҳажми пасайишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатининг -25,0 % га, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда - 29,8 % га ҳамда электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг – 6,4 % пасайиши кузатилди.

Шунингдек, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатида- 181,9 % га ўсганлиги кузатилди.

***Саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индекси** ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмининг таққосланадиган даврлардаги ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткичдир.

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатининг жами саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуши, *% да*







Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан 2021 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 25,8 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,4 фоизини ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши йил бошидан, *% да*





Ишлаб чиқарадиган саноат



2021 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 6 418,4 млрд. сўмни ёки жами саноат маҳсулотларини 97,4 фоизини ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, *% да*





Ишлаб чиқарадиган саноатда айрим турдаги маҳсулотларнинг ўсиш суръати

2021 йилнинг январь-март ойлари давомида ишлаб чиқарадиган саноатда 29 839 дона енгил автомобиль ишлаб чиқарилиб (2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 51,2 % га камайган), 4 009,0 минг литр 80 % дан кам бўлмаган этил спирти (27,1 %) ва 42,1 тонна темир ёки пўлат симдан матолар, панжаралар, тўрлар ва тўсиқлар (5,3 %) юқори ўсиш суръатлари кузатилди. 1 224,0 тонна калава ип (2,9 %), 34 982,0 тонна юмшоқ буғдой ва спелта уни (14,2 %), 121,5 тонна узум виноси (4,7 %) камайиш кузатилди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, *% да*

Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналар томонидан айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш

Саноат маҳсулотлари	2020 йил январь-март	2021 йил январь-март	фарқи +/-
Енгил автомобиллар, *дона*	61 195	29 839	-31 356
Пахтадан йигирилган ип, *тонна*	1 260,0	1 224,0	-36,0
Арақ, *минг литр*	170,0	231,8	61,8
Буғдой ва спелта уни, *тонна*	40 751,0	34 982,0	-5 769,0
Пахта толаси, *тонна*	5 494,0	8 189,0	2 695,0
Ўсимлик ёғи (тозаланган), *тонна*	1 606,0	2 516,0	910,0

Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш саноатида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан солиштирганда енгил автомобиллар 51,2 % га камайди.

Автомобил ишлаб чиқариш саноатида 2021 йилнинг январь-март ойларида 12 682 дона “Cobalt” (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 71,4 %), 6 958 дона “Nexia T-250” (33,6 %), 8 399 дона “Lasetti-Gentra” (58,1 %), 1 800 дона “Spark” (21,8 %) автомобиллари ишлаб чиқарилди.

Андижон вилоятида енгил автомобиллар ишлаб чиқариш саноати
(2020 йилнинг январь-март ойларида, дона)



Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитсиялаш
(2020 йилнинг январь-март ойларида)



Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 123,9 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг (1,9 фоизини) ташкил этди.

2021 йилнинг январь-март ойларида, саноатнинг мазкур тармоғида электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш, буғ билан таъминлаш тизимлари ва ҳавони кондициялаш ўтган йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажм индекси 6,4 % га пасайиш кузатилди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, *% да*
(январь-март ойларида)



Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва хавони кондициялаш соҳасида йирик саноат корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Саноат маҳсулотлари	2020 йил январь-март	2021 йил январь-март	фарқи +/-
Электроенергия, *млн. кВт/с*	23,7	4,1	-19,6
Иссиклик энергияси, *минг гкал*	12,9	14,7	1,8
Электр энергиясини узатиш бўйича хизматлар, млрд. сўм.	100,8	85,0	-15,8

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш



Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 23,6 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,4 % ни) ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши % да

(январь-март ойларида)



Саноат маҳсулотлари	2020 йил январь-март	2021 йил январь-март	Фарқи +/-
Табиий сув, сувга ишлов бериш ва сув билан таъминлаш бўйича хизматлар, *млрд. сўм*	11,8	12,5	0,7
Оқава сувларни шлами, *млрд. сўм*	1,8	2,0	0,2
Тўқимачилик чиқиндилари, *тонна*	5,0	7,4	2,4

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан тўқимачилик чиқиндилари бўйича хизматлар 48,3 % га шунингдек, табиий сув, сувга ишлов бериш ва сув билан таъминлаш бўйича хизматлар 6,0 % ошганлиги кузатилди.

Истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулот турларини кенгайтириш ва ишлаб чикарилишини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар натижасида, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 26 611,1 млрд. сўмни ташкил этди ва 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 36,6 % га камайган ҳолда, унинг жами саноатдаги улуши 68,4 % ни ташкил этди.



Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида вино ва ароқ маҳсулотлари ва пиво 0,1 % (2020 йил январь-март ойларида 0,1 %)ни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг вилоят жами ҳажмидаги энг юқори улуши Асака туманига тўғри келиб, 65,0 % ни, шунингдек, Андижон шаҳар 7,5 % ни, Хўжаобод тумани 4,6 % ни, Андижон туманида 2,1 % ни ҳамда Олтинкўл тумани 2,2 % ни ташкил этди.

Шунингдек, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг ўсиш суръатида вилоят (36,6 %) га камайган. Шунга қарамасдан юқори даражада ўсиш кўрсаткичи Избоскан (126,5 %), Пахтаобод (115,0 %), Хўжаобод (111,8 %), Бўстон (102,2 %), Қўрғонтепа (101,7 %), Бўстон (108,7 %), туманларида ҳамда Андижон шаҳрида (104,3 %) қайд этилди.

Ҳудудлар бўйича истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, таркиби ва ўсиш суръати

(2021 йилнинг январь-март ойларида)

Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиши, % да
4 510,6	100,0	63,4

Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да	
338,9	7,5	104,3	Андижон шаҳар
28,4	0,6	101,4	Хонобод шаҳар
92,7	2,1	102,8	Андижон
2 932,2	65,0	52,3	Асака
48,8	1,1	102,2	Балиқчи
122,5	2,7	101,7	Булоқбоши
173,9	0,7	108,7	Бўстон
329,9	1,2	103,2	Жалақудуқ
133,6	3,0	126,3	Избоскан
31,1	0,7	88,5	Улуғнор
55,2	1,2	102,6	Марҳамат
99,6	2,2	102,4	Олтинкўл
71,2	1,6	115,0	Пахтаобод
205,2	4,6	111,8	Хўжаобод
121,0	2,7	103,1	Шаҳрихон
68,8	1,5	101,7	Қўрғонтепа

Ҳудудлар кесимида саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари

(2020 йилнинг январь-март ойларида)

Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
6591,7	100,0	79,3
Андижон вилояти*		

Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
1 171,5	17,8	81,6
Андижон шаҳар		

Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
254,4	3,8	77,4
Хонобод шаҳар		

Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
122,9	1,9	50,1
Андижон		

Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
3 069,2	46,4	55,3
Асака		

Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
328,9	5,0	127,2
Балиқчи		

Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
59,6	1,0	100,1
Булоқбоши		

Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
86,4	1,3	100,3
Бўстон		

Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
310,0	4,7	130,4
Жалақудуқ		

Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
176,8	2,7	124,8
Избоскан		

Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
109,8	1,7	74,7
Улуғнор		

Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
98,4	1,5	96,8
Мархамат		

Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
109,8	1,7	74,7
Олтинкўл		

Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
115,0	1,7	125,3
Пахтаобод		

Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
228,3	3,5	104,1
Хўжаобод		

Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
204,1	3,1	101,8
Шаҳрихон		

Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
182,1	2,8	106,4
Қўрғонтепа		

Шаҳар ва туманлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган холда

Андижон вилоят ҳудудлари кесимида ишлаб чиқариш физик ҳажм индекси, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, *% да*

Вилоят саноат ишлаб чиқариш физик ҳажм индексининг камайишини, Асака (2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 55,3 %), саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари физик ҳажм индексининг сезиларли даражада пасайганлиги билан изоҳлашимиз мумкин.



Шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш Қўрғонтепа (2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 106,4 %), Жалақудуқ (130,4 %), Избоскан (124,8 %), Пахтаобод (125,3 %) ва Балиқчи (127,2 %), Булоқбоши (100,1 %), Улуғнор (112,6 %), сезиларли даражада ошди.

Андижон вилоят жами саноат маҳсулотлари ҳажмида ҳудудларнинг улуши, *% да*

Вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибига энг кўп улуш Асака туманида (вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 46,4 % ни) ҳамда Андижон шаҳри (17,8 %), Жалақудуқ (4,7 %), Андижон (1,9 %), Қўрғонтепа (2,8 %) ва Хўжаобод (3,5 %) шаҳар ва туманлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Энг паст кўрсаткич эса Булоқбоши (1,0 %), Бўстон (1,3 %) ҳамда Улуғнор (1,1 %) туманларига тўғри келмоқда.





Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тақсимланиши, йирик саноат корхоналари жойлашганлиги ҳисобига Асака (9 208,5 минг сўм), Хонобод шаҳар (588,9 минг сўм) ва Андижон шаҳрида (2 598,8 минг сўм) туман ва шаҳарларда ўртача вилоят даражаси кўрсаткичидан (2 063,6 минг сўм) юқорилигини кўрсатмоқда.

Вилоят бўйича аҳоли жон бошига истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши 1 412,1 минг сўм бўлган ҳолда, Асака туманида – 8 797,6 минг сўмни, Хўжаобод туманида – 1 834,4 минг сўмни, Андижон шаҳрида – 751,8 минг сўмни, Хонобод шаҳрида 657,3 минг сўмни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш

(2021 йилнинг январь-март ойларида, минг сўм)

Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари
2 063,6	1 412,1
Андижон вилояти	

Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари	
2 598,8	751,8	Андижон ш.
5 888,9	657,3	Хонобод ш.
458,9	346,2	Андижон
9 208,5	8797,6	Асака
1 616,3	518,5	Балиқчи
411,3	385,2	Булоқбоши
1 181,0	666,6	Бўстон
1 647,6	651,0	Жалақудуқ
731,7	552,9	Избоскан
1 224,4	513,1	Улуғнор
561,2	315,0	Марҳамат
606,4	550,3	Олтинкўл
586,6	363,1	Пахтаобод
2 040,7	1834,4	Хўжаобод
670,7	397,5	Шаҳрихон
832,4	314,7	Қўрғонтепа

Санаот маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши
(2020 йилнинг январь-март ойларида, % да)

Ҳисобот даврида кичик тадбиркорлик субектлари томонидан 1 553,6 млрд. сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, унинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 23,6 % ни ташкил этди.



Ҳудудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Булоқбоши туманида (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 100,0 %), Шаҳрихон (71,3 %), Жалақудуқ (44,3 %), Избоскан (54,5 %) ҳамда Андижон (83,3 %) туманларида кузатилди.

Вилоятимиз ҳудудлари кесимида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида кичик бизнес субектларининг улуши тахлили шуни кўрсатдики, Асака тумани (4,0 %), Хонобод шаҳар (16,8 %) ва Андижон шаҳрида (24,2 %) саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги кичик бизнес субъектлари улушининг камлигини, мазкур ҳудуларда жойлашган йирик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажмлари юқори эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари
(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра)

Бугунги кунда вилоятда 8 675 дона саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда, шундан 3 166 таси (рўйхатдан ўтган корхоналар умумий сонининг 36,5 фоизи) Андижон шаҳрига, 930 таси (10,7 %) Асака туманига, 691 таси (8,0 %) Андижон туманига, 631 таси (7,3 %) Шаҳрихон туманига, 457 таси (5,3 %) Хўжаобод туманига ва 410 таси (4,7 %) Олтинкўл туманларига тўғри келмокда.



2021 йилнинг январь-март ойлариида вилоятда 412 та янги саноат корхоналари ташкил этилди, шулардан 96 таси (жами янги ташкил этилган саноат корхоналари ҳажмидаги улуши 23,3 %) Андижон шаҳрида, 37 таси (9,0 %) Асака туманида, 38 таси (9,0 %) Шаҳрихон туманида, 23 таси (5,6 %) Хўжаобод туманида, 38 таси (9,2 %) Андижон туманида ташкил этилди.

Шаҳар ва туманлар кесимида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари
(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра)

Бугунги кунда шаҳар ва туманлар кесимида фаолият кўрсатаётган энг кўп саноат корхоналари жойлашган ҳудудлар 8 талигида Асака (930 та), Андижон (691 та), Шаҳрихон (631 та), Хўжаобод (457 та), Олтинкўл (410 та), Қўрғонтепа (335 та) ва Избоскан туманларида (300 та) ҳамда Андижон шаҳрида (3 166 та) қайд этилди.





2021 йил 1 март ҳолатига кўра вилоятимизда фаолият кўрсатаётган энг кам саноат корхоналари жойлашган ҳудудлар 8 талигига эса Жалақудуқ (297 та), Балиқчи (295 та), Булоқбоши (272 та), Марҳамат (238 та), Пахтаобод (229 та), Бўстон (186 та) ва Улуғнор туманларида (92 та) ҳамда Хонобод шаҳрида (146 та) фаолият юргизаётган корхоналар қайд этилди.